



МАКСИМ КАРИМ

www.NATLIB.UZ

МАКСИМ КАРИМ

# ВАХШ ҚАЛДИРГОЧИ

ЛАВҲАЛАР

Но 1/3  
К2592



1963

ГБ УзССР

41703

УзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент—1963

Ўз 2  
М 19

Максим Каримнинг бу китобчасига кирган лавҳаларда курашувчан, интилувчан йигитлар, актив ҳамда вафодор қизлар образини яратишга интилиш бор. «Сеникиман, жоним...» лавҳасида севганийигити қўл ва оёқдан ажраган чоқда ҳам ўз муҳаббатидан воз кечмаган Наташа акс эттирилса, «Сулув» да ўз баҳтини ўзи яратаетган қиз ва «Райком секретари»да актив жамоатчи, ватанпарвар Иzzат Султонова мадҳ этилади.

Лавҳалар қисқалиги ва ширали тили билан китобхонни ўзига жалб этади.

Максим Карим.  
Вахш қалдирғочи. Лавҳалар.  
адабийнашр, 1963.  
32 бет.

Т., Ўз-

Максим Карим. Ласточка Вахша. Очерки.

## СЕНИКИМАН, ЖОНИМ...

Оддий кунларнинг бирида редакцияга истараси иссиққина бир қиз кириб келди. Газетага хабар олиб келган ҳаваскор мухбирлардан бўлса керак деб ўйладим. Саломлашгач, стул кўрсатдим. Тортинибгина ўтирди. Ўтирди-ю, гапни нимадан бошлишини билмай бирпас жим қолди.

— Илтимос,— деди ниҳоят у,— бир воқеа ҳақида... газетангизга ёзинг... Албатта ёзинг, илтимос қиласман...

Тушунмай кифтимни қисдим. Газетага материал олиб келадиганлар орасида ҳали бунақасини ҳеч учратмаганимданми, қиздаги ҳаяжонни нима билан босишни ҳам билмай ҳайрон эдим. Унинг маъюс туриши, қиз билан бирор жиддий воқеа юз берганмикин деган тахминга олиб келарди.

Газетага ёзишимни ҳам, ёзмаслигимни ҳам ҳали тасаввур этмай, унинг ҳикоясини берилиб тингладим. Қизнинг ҳикояси қайғу ва табассумга тўла мунгли ва нурли бир куйни эслатарди. Бу куй негадир мендан ижозат ҳам сўрамай қалбимдан ўрин олаётганини ҳис этдим.

— Ана шу, ҳаммаси... — ҳикоясини тугатаркан, нам киприкларини кўтарди қиз. Иккимиз ҳам анчагача жим қолдик.

— Неъматжон сизга ким бўлади? — дедим сукунатни бузиб.

— Ҳеч ким.

— Наташа-чи?

Қиз кўзларини юқори кўтармай яна бош чайқади.

— Лекин... — деди у, — илтимос, ёзинг шу ҳақда? Ахир, уларнинг менга ким бўлишлари унча муҳим эмас-ку?!

Ҳа, буни энди мен ҳам тушунардим. Ажабо, бирорнинг тақдири оддий бир қизни сира тинч қўймай редакцияга етаклаганини кўриб, мени ҳам қалб қандайдир бир иш қилишга, шу ҳаяжонли воқеага маълум бир муносабатимни билдиришга ундарди. Негадир, энди бу воқеа ҳақида ёзмасам, ўзимни қўярга жой топа олмайдиганга ўхшардим...

\* \* \*

Таниш перрон яқинлаша борган сари, Наташа юрагининг дук-дук уришини тобора аниқ эшитар, ҳаяжонини яширолмай, вагон ойнасидан ўз Неъматжонини изларди.

«Наҳотки кутгани чиқмади?!» лабини тишлаб ажабланди қиз, бир зумда бўшаган перронда ёлғиз ўзи қолиб. Ҳа, чиқмади. Балки у берган телеграмма Неъматжоннинг қўлига тегмагандир? Аммо, бу фикр Наташанинг бошига қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез чиқиб кетди. Рашкли алам ўйи ҳокимликни ўз қўлига олди. «Йўқ, деди қатъий у, телеграм-

мани олган. Олгану, жўрттага чиқмаган». «Ҳамма эркаклар ҳам шунақа бўладилар», эслади у кимнингдир айтган гапини ва бу гапнинг маълум даражада ҳақ эканлигини ҳозирги ҳолат гўё исбот қилаётганига амин бўлди. Наташа оғзига келган сўзлар билан Неъматжонни койигандир, албатта. Чунки, айни пайдада у шундай дейишга ҳақли ҳам. Ахир, унинг Неъматжони билан бир шум воқеа юз берганини Наташа қаердан билсин?! Йўқ, ана шудақиқаларда унинг Неъматжони танца майдончаларида ҳам эмас, кўнгилочар сайдарда ҳам эмас, ўзга бир қизга ўзининг «янги муҳаббат»ини изҳор этаётган ҳам эмас... Йўқ!

Майли, Наташа бу ҳақда ҳозирча билмай турсин. Шундай бўлгани яхшироқ.

\* \* \*

...Зарбдор қурилишга олинган комсомол йўлланмаси украин қизи билан ўзбек йигитини бир жойга — Қарағандага олиб келди. Икки ёш ўртасида дўстлик ипини маҳкам боғлаган ҳам ана шу қадрдон қозоқ шахри бўлди. Саъиллардан бирида улар бир-бирини ўзаро яқин сезишиди. Йўқ, Неъматжон севги изҳор этолгани йўқ. Наташа ҳам. «Сени севаман», деган сўзларни айтиб ўтиришнинг ўзи гўё ортиқча эди. Фақат вальсда гир айланишаркан, Неъматжон таниш бир куйни эслаб, «Украина и Узбекистан» деди мулоиймлик билан. У қизнинг осмондек тиник, мусаффо кўзларида гўё ўз ақсини кўраётгандай эди. Наташа ҳандон отиб кулди.

— Бу ашулани мен ҳам эшигданман,—  
деди у,— қайси бир ижрочиларингиз...

— Тамараҳоним,— ҳозиржавоблик қилди  
Неъматжон.— Кўйини эса сизларнинг компо-  
зиторларингиз ёзган.

— Аҳа, эсладим...

Шундан кейин, бутун кеча давомида шириң  
хаёллар оғушида маст бўлиб, улар бир-бир-  
ларига деярлик ҳеч нарса демадилар. Фақат,  
Наташа бир неча кунга ўз Украинасига бора-  
жагини айтганида, Неъматжон кузатиб  
қўйишга розилик сўради. Қиз қаршилик кўр-  
сатмади...

Перронда улар анча ёзилиб гаплашишди.  
Қиз Днепр ёқалари ва Закарпатьесини мақ-  
таса, йигит ўзининг жон Андижонини, унинг  
Наташа ёноқларига монанд анорларини таъ-  
рифлай кетди. Ҳа, худди шундай деди у: ёноқ-  
ларинг нақ Андижон аноридек, Наташка, деб  
шоирона хитоб қилган ҳам эди, поезд ўрнидан  
жилди.

— Телеграмма бер. Наташка! Албатта ку-  
тиб оламан. Албатта!..

Мана, ҳозир ҳам Наташа Неъматжоннинг  
ана шу «албатта»ларини ўйлаб, ётоқхонага  
ёлғиз ўзи хомуш қайтарди. Йўлда дугоналари-  
дан бири учраб қолмагандা, балки бу ўйлари-  
нинг чеки бўлмасди ҳам.

— Неъматжонни ҳеч кўрасанми?— қучоқ-  
лашиб кўришгач, Наташанинг биринчи саволи  
шу бўлди.

— Ҳалиги, кранчи йигитми?.. Бечора йигит.  
Қасалхонада ўлим билан олишиб ётибди-ку?!  
Эшигмадингми ҳали?..

Наташанинг юраги шув этиб кетди. Унинг

севгисидан мутлақо хабарсиз бўлган дугонаси шу сўзларни айтди-ю, лаблари пирпираб қолди. «Нима гап? Айта қолсанг-чи тезроқ?!»— йиқилаёзи Наташа. Дугонаси кифтига суюнارкан, Наташа у ёғини эслай олмайди. Касалхонага шамолдек учди. «Неъматжон!!!» деб қичқирганини мусаффо осмон ҳам, сахий тупроқ ҳам бир-бирларига одатдагидан кўпроқ ғамхўр ва меҳрибон бўлиб кўринаётган одамлар ҳам сукут сақлаб эшитаётгандай эди. Наташа ҳамшираларнинг танбехига ҳам қулоқ солмай, коридорда дуч келган мўйсафид врачи маҳкам ушлаб олди.

— Айтиңг! Ўтиниб сўрайман, айтиңг?! Одам бўладими у?..

— Ким?—ажабланиб кўзойнагини олди врач.

— Неъмат... Неъматжон...

Катта касалхонада «Неъматжон» деган кишини билмаслиги учун врачи қечириш мумкин, албатта.

— Ҳалиги... Ҳалиги, крандан йиқилган йигит,— ҳушини тўплаб изоҳ берди Наташа.

Врач энди тушунди. Бироқ, негадир лабини ташлаганча ўйланиб қолди. Қизиқ, Наташа бир оғиз сўзга муштоқ-ку, врачнинг ўйлаб туришини қаранг?! Врач Наташанинг чўғ ёноқларини ювган кўз ёши селига ачиниш билан бир қаради-ю, сўнгра бош қимирлатиб қўйди. Қиз қалбига учқун қўнди. Қўнди-ю, яна сўна бошлади. Врач бош қимирлатиб «ҳа» ишорасини қилдими, «йўқ» ишорасиними?— Наташа негадир сезишга улгурга олмади.

— А, сиз кими бўласиз унинг?— сўради врач.

— Неъматжон, янгишмасам, эрингиздир?

— ...

«Ҳа» деган сўз атиги икки ҳарфдан иборат бўлса-да, уни талаффуз этиш Наташа учун қийин эди. Бунга фақат қизлик ғуури, номус ва ҳаяжон йўл қўймади дейиш ҳам хато. Умуман, ахир у Неъматжоннинг кими бўлади? Таниши, холос. Ҳўп, ана дўсти.

Ақалли у Неъматжондан «сенга уйланаман» деган гапни ҳам эшитгани йўқ-ку?!

Бироқ, ана шу йиғи аралаш «ҳа» ишорасини қилганини қизнинг ўзи ҳам сезмай қолди. Майли, қандай тушунишса тушунишсин. Кулишсин! Бу ҳақда ўйлаш учун ҳозир Наташанинг вақти йўқ. Ахир, гап висол устида, Неъматжонни кўриш ёки кўрмаслик устида, унинг ҳаёти устида бораётир!

Врачнинг қаршилигига қарамай, у палатага ўқдай отилди.

— Неъматжон... — секингина талаффуз этди қиз каравотнинг бир четига омонатгина ўтириб. Йигитнинг дока билан ўраб боғланган юзлари қонсиз, лаблари қовжираган.

— Неъмат,— такрорлади қиз, — кўзингни оч. Мана мен!..

Наташа йигитнинг қўл томирларини ушлаб, унинг қалбига қулоқ солмоқчи бўлди. Бироқ, қўл ўрнида бинтланган нарсани пайпаслади-ю, эзилиб кетди. Наҳотки энди оқибати шу бўлса? Наҳотки энди Наташанинг Неъматжони кўз очмаса?!

Бемор, лабида қандайдир шўр там сезган-дек бўлиб, киприкларини сал қимирлатди. Ёки Наташага шундай туюлдими, севинчидан кўзларидан дув ёш оқди.

Неъматжон билинар-билинмас кўзини очдӣ.  
Наташасини кўриб, кўнгли тоғ бўлганидан  
табассум қилмоқчи бўлди. Кулмоқчи бўлди ю,  
«оҳ» деб юборди. Оғриқ азоби уни жуда қий-  
нарди.

— Мана, мен... Украинадан салом...

Наташа нима дейишини билмасди. Ўз сев-  
гилиси учун, фақат Неъматжони учун у ҳам  
табассум қилмоқчи бўлди. Аммо кўз ёши ҳам  
бўш келмади.

Ажабо, кўз ёши билан табассумнинг бир  
пайтнинг ўзида умумий тил топиб яшаганини  
ҳеч кўрганмисиз?! Наташа йиғларди. Кўз ёш-  
лари беғубор юзларига тартибсиз тарқалиб  
тушмоқда эди. Шу пайтнинг ўзида у куларди  
ҳам. Оппоқ тишлари нурга ғарқ бўлиб кўри-  
нарди. Бу қизга ажиб бир латофат, садоқат,  
олижаноблик бахш этарди.

...Ўша кундан бошлаб Наташа Неъматжон  
ётган палатани тарк этмади. Кеча-кундуз  
унинг қошида бўлди. Ҳамширалардан ҳам  
кўпроқ қараби турди: ювинтириди, кийин-  
тириди, овқатлантириди, китоб ўқиб берди, қў-  
шиқ айтиб, йигит қўнглини кўтарди. Операция-  
лар бошида, врачлар қанотида турди. Хуллас,  
Неъматжоннинг ҳар бир нафаси учун, ҳар бир  
томчи қони учун тинмай курашди.

Наташанинг Днепр сувларини эслатувчи  
кўм-кўк кўзларига милт-милт боқаркан, Неъ-  
матжон баҳор сайилларидан бирида қиз билан  
вальсга тушганини эслаб кетди. Эслади-ю,  
эзилиб кетди. Ахир, ўз Наташаси билан у  
энди ҳеч қачон танцага тушолмайди... Севги-  
лиси қўлтиғидан олиб хиёбонларни кезолмай-  
ди... Бунга ахир қандай чидаб турасан, киши?!

Бу ҳолатингдан кўра, ўлганинг яхши эмасми?!  
Бундай даҳшатли ўйловларни Неъматжон  
миясидан бир умрга қувиб чиқаришга интилса-  
да, аммо иложсиз бўлиб қолар эди.

— Нега ўйланиб қолдинг?— Йигитнинг  
диққатини бўлди Наташа.— Ана, эшитяпсан-  
ми,— радиога ишора этди у,— созанда ажойиб  
бир куйни чаляпти.

«Қандай ақлли қизсан, Наташка!— ўйлар-  
ди Неъматжон,— дилимдагини топдинг: ахир,  
ўзимизнинг севимли ўзбек куйи-ку бу?!»

Найда нола қилаётган «Чўли ироқ» куйи  
палата бўйлаб қанот қоқарди. У Неъматжон-  
га шундай таъсир қилди-ки, кўз ёшларини  
яширишга ҳам жой топа олмади. Буни На-  
таша ҳам яхши тушунарди. Икки қалб оғир  
сукунатда чуқур-чуқур нафас оларди. Қизда-  
ги ички туйғу кучли вулқондек юзага оти-  
либ чиқай дерди-ю, негадир тил ўз вазифа-  
сини бажара олмай, ожизлик қиласарди. «Сени-  
киман, жоним!»— оҳиста шивирларди қизнинг  
лаби.

Мамнунлик, баҳтиёрлик, ҳаётга ташналиқ  
ва ишонч умидларини bemор йигитнинг кўз-  
ларига боқибгина пайқаб олиш мумкин эди...

\* \* \*

Бу ҳикояни яна давом эттиришим ҳам мум-  
кин эди. Бироқ шундай ҳам унда кўз ёши кўп  
бўлди. Буни тан оламан. Аммо, на илож?  
Ўқувчини асло хафа қилгум йўқ эди. Шуни  
ҳам айтайки, ҳикоямдаги кўз ёшларининг  
ҳар бир томчисида нур ва севинч яшириниб  
ётиби. Бу томчилар ҳаётдаги бир тасодиф

ҳақида, бироқ покиза мұхаббат, юксак ишонч ва тетик рух ҳақида ҳикоя қиласылар. Ноңғулай об-ҳаво шароитида сменадан ташқари Нәйматжоннинг күттаргич кранни бошқарғани — жасорат ҳамда ватанпарварлықдир. Унинг кран тепасидан йиқилиб тушгани ва қаттиқ шикастлангани эса аччиқ бир тасодифdir. Бироқ, әнд мұхими — у ҳаёт қолди. Үнга ҳаётни қайтадан кашф этганлардан бири Наташа әканлигини Нәйматжон билармикин?! Мұхаббат ўлимни енгади, деганлари балки ана шунинг ўзидир?!

...Ҳикоямга эндигина нүкта қўйган ва газетага беришга ҳали журъат этолмаётган кунларимнинг бирида мен редакцияга тўлқинланаб кириб келган ўша қизни яна учратиб қолдим. Бу гал у новчагина, келишган бир йигит билан эди. Сездирмай ўтиб кетмоқчи бўлдим, ўzlари кўриб қолишиб Балки сиз уларнинг кимлиги билан — шундай ҳаяжонли ҳикояни менга сўзлаб берган кишиларнинг кимлиги билан қизиқарсиз? Яшириб ўтирмайман: Сайёра Маматова ва Собиржон Сайдазимов — Низомий номидаги педагогика институтининг IV курсида ўқишиади. Улар ҳақида бундан ҳам кўпроқ сўзлаб беришимга ўzlари розилик беришмади. Мен Наташа ва Нәйматжоннинг тақдири билан қизиқдим. Маълум бўлишича, Собиржон яқиндагина Андижонга — ўз уйига бориб, ҳикоямиз қаҳрамонларини кўриб келибди. Нәйматжон ва Наташа ҳозир Учқўргон районидаги «Октябрь» колхозида баҳтиёр яшаётганмиш. Йигитнинг ота-онаси Наташани жондан ортиқ севар әканлар. Наташа медицина пунктида ҳамшира бўлиб ишларкан. Нәй-

Матжон эса... ўзларингиз биласизлар. Оқшом чўкиб, хиёбонлар нурга ҳамда файзга шўнғиганда икки севишган қалб сайрга чиқади. Йўқ, қиз йигит қўлтиғидан ушлаган эмас. Неъматжон коляскада, Наташа эса уни бошқармоқда. Айбли жойи йўқ. Ҳаёт ва муҳаббат деган нарса ҳаммадан ҳам зўрроқ бўлар экан.

Бу ҳикояни эҳтимол Сайёра ва Собиржон айтганидек сўзлаб беролмагандирман? Шунинг учун, мен уларнинг олдида ўзимни ҳали ҳам қарздор деб ҳисоблайман. Вақти келади: мен Неъматжон ва Наташа тўғрисида, уларнинг бўлажак фарзандлари тўғрисида, олижаноб покиза муҳаббатлари тўғрисида яна ҳикоя қилиб бергум бор.

Дарвоқе, бир нарса хотирамдан кўтарилибди; қаҳрамонларимнинг тўлиқ исм-фамилияларини сизларга маълум қилмабман. Айтиқолай Неъматжон Абдуллаев ва Наташа Абдуллаева.

Ҳа, Абдуллаева!..

## СУЛУВ

Қайси ота-она ўз фарзандига баҳт тила-  
майди дейсиз?! Балки Сулувнинг ҳам дадаси  
ва ойиси «қизимизни баҳтли қиласиз», деб...

Яхиси, бу ҳақда батафсилроқ ҳикоя қи-  
лайлик.

...Сулув туғилиб ўсган қишлоқ тоғлар қу-  
чоғида жойлашган. Айниқса, унинг эрта ба-  
ҳор чоғидаги ҳуснига нима ҳам етсин? Сахий  
қуёш бутун табассумини фақат ана шу қиши-  
лоққа ҳадя этган гүё. Чўққиларда эрий бош-  
лаган қордан ҳосил бўлган жажжи шалола-  
ларнинг дилкаш садо чиқариб, пастга —  
баҳмал ўтлоқлар қўйнига интилаётганини  
кўрганингизда кўнглингиз яйраб кетади...

Мактабга йўл олганида ва уйга қайтгани-  
да мудом ана шу ажиб манзара Сулувга  
ҳамроҳ бўлади. Мана, ҳозир ҳам кичик сой  
ёқасига етгач, у портфелини ерга қўйди-да,  
ҳовучини муздаккина биллур сувга тўлдириб,  
роҳатланиб симириди ва қўлини пешонасига  
соябон қилиб, баҳор қуёшига жилмайиб боқ-  
ди. Балки, бу чоракни ҳам аъло баҳолар билан  
якунлагани Сулувнинг дилини нурга тўлдири-  
гандир? Балки, табиатнинг гўзал жамолига

маҳлиё бўлганлигидан у шундай шоддир!

Аммо бу қувонч қиз қалбida қанчалик фавқулодда пайдо бўлган бўлса, шундай тезлик билан йўқолди: ҳовлига етгач, юрагига соя солувчи нохуш хабар устидан чиқди:

— Сулув энди ўқимайди!

Ота-онанинг гапини бехосдан эшитиб, эшикка суюниб қолган Сулувнинг юраги дукдук ўйнаб кетди. «Тинчликмикан ўзи?» — чува-лашиб кетган фикрлар бир дақиқа қизнинг бошини гангитиб қўйғандай эди. Ҳа, унинг юрагига ғулгула тушганлиги бежиз эмас, Сулув, уни жуда баҳтсиз қилиб қўйиши мумкин бўлган воқеага дуч келиб қолажагини гўё олдиндан ҳис этгандай эди. Мана, ҳозир у ҳамма гапни эшитиб олди, ўз қулоқлари билан эшитди. «Наҳотки?!» Сулув тез-тез нафас олар, ҳаяжонидан лабларини тишлар эди.—«Наҳотки яна ўша эски гап бўлса?»

Ҳа, қарийб бир йилдан бери жимиб кетган гапга яна «жон» кирмоқда эди.

— Йўқ!

Жаҳл билан очилган эшикдан отилиб кирган қизларини кўриб, ота-она ҳангу манг бўлиб қолдилар.

— Йўқ! Йўқ!! Йўқ!!!

Эҳтимол бу сўзни у ўн мартараб тақорла-гандир? Сулувнинг кўзларидан оқаётган ёшлилар унинг беғубор юзларига тартибсиз тарқалиб тушмоқда эди. Қизнинг ота-онага қадалган нафрат тўла кўзларида, айни замонда, уларга ўз умиди ва халоскори сифатида ялингансимом тикилаётганини ҳам уқиши мумкин эди...

\* \* \*

Сулувни эрга бериш ҳақида қиз ҳали VI синфда ўқиб юрганида гап бўлувди. Бироқ, қўни-қўшни ва таниш-билишларнинг «ахир, қизингиз ҳали ўн беш ёшга ҳам тўлмаган-ку!», «она сути оғзида-ку?», «мактабини ақалли тамомласин-чи...» зайдидаги гаплари ота-онани «жиндек сабр» қилиб туришга мажбур этиб қўйган эди. Аммо бу узоққа чўзилмади.

— Энди катта қиз бўлиб қолдинг,— деди бир куни ойиси,— эрта-индин VII синфни ҳам тамомлайсан. Сендалигимда мен ҳарф ҳам танимасдим, сен-ку...

— Нима деяпсиз, ойи?

— Мактабингни энди йиғишириб қўй демоқчиман. Бир тош йўлга ҳар куни қатнайвериш жонингга тегмадими, ахир?

Тўғри, мактаби ҳақиқатан ҳам узоқ. Лекин, наҳотки фақат ана шунинг учун у ўқишини тарк этса? Йўқ, бунда бошқа бир гап яшириниб ётган бўлса керак, ўйларди Сулув.

— Ахир дугоналарим техникум ва институтларда ўқишияти-ку,— куюниб тушунтиради қиз.— Мен ақалли мактабни ҳам тамомлаймаймий?

— Гап қайтарма!— дерди ойиси.— Дугоналаринг икки-уч боланинг онаси бўлиб юрибди. Бўлади ўқиганинг...

Шунда Сулувнинг йиғлашдан бўлак иложи қолмасди.

...Бошингга мушкул кун тушганда энг яқин маслаҳатгўйинг ва ҳамдардинг бўлса, қандай яхши! Рус тили ўқитувчиси Нина Михайловна Сулув учун мана шундай ғамхўр киши бўлиб чиқди.

— Эҳтиёт бўл,— дерди меҳрибон ўқитувчи-  
си қизнинг бошини силаб,— ҳақиқий баҳтинг,  
келажагинг ҳали олдинда. Уни қўлдан бой  
бериб қўйма тағин... Чинакам баҳт учун фақат  
курашиш ва курашиш лозимлигини доимо  
ёдингда тут!

Тўй машмашаси авжига мина боргач, Су-  
лувнинг бардоши қолмади.

— Нина Михайловна,— ўпкаси тўлиб му-  
рожаат этди у бир куни муаллимасига,— мен  
энди... Мен энди ҳеч қачон уйга бормайман...

У хўнграб юборди. Нина Михайловна учун  
ортиқча сўзнинг ҳожати йўқ эди. Сулувлар  
уйидаги аҳвол унга яхши таниш эди. Бироқ,  
ўқитувчининг ҳам, мактаб дирекциясидаги-  
ларнинг ҳам гаплари ота-онага кор қилмади.

— Сулув мактабимиз ҳузуридаги интернат-  
да қолиб, ўқишингни bemalol давом эттира-  
вер. Кўрқма!— деди илмий мудир Хўжамурот  
ака.

Сулув қўрқмаса ҳамки, бироқ ота-онаси-  
нинг ўз қизларини кеча-кундуз излаб юрган-  
ликларидан хабардор ва бу уни ташвишлан-  
тиrmай қўймас эди, албатта. Бир куни Сулув  
мактабнинг бўш хоналаридан бирида дугона-  
си Ҳалима билан имтиҳонларга тайёрланиб  
турганида, асабий ҳолда келаётган дадасини  
синф ойнасидан кўриб қолиб, юраги така-пуна  
бўлиб кетганди.

— Вой, ўлай, дугонажон!— ранги оқариб  
кетган Сулув бутун вужуди билан қалтирар-  
ди.— Дадам! Нима қилай, айтсанг-чи тезроқ?

Тезда Ҳалималарникига етиб келишди.

Шу-шу бўлди-ю, Сулув ўз уйига қайтмади,  
ота-она ҳузурида яшашни тарк этди. Гарчанд

бу қиз учун руҳий азоб берса ҳам начора, у ўқиши, баҳтдан нур эмишни истайди. Ажо-йиб дўстлар даврасида у VII синфни ҳам аъло баҳолар билан якунлади...

— Оқ йўл! — деди Сулувнинг пешонасидан ўпид Нина Михайловна. Меҳрибон ўқитувчи кўз ёшлирини ўз ўқувчисидан яшира олмади.— Унумта. Хат ёз...

Уша куни Сулув мўйсафи Самарқандга отланди. Катта шаҳарда уни катта ўқиш кутмоқда эди...

\* \* \*

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, баҳор кунларининг бирида, Сулув туғилиб ўсган ўз қадрдон қишлоғига қайтди. Йўқ, энди у илгариги Сулувга, рўмоли билан ярим юзини бекитиб, уятчан ҳолда юрган соддагина қишлоқ қизига сира ҳам ўхшамасди. Студентлик йиллари унинг хотирасида бир умр сақланадиган ажо-йиб ва лаззатли дамлар бўлди. Сулув Абдуазизова К. Д. Ушинский номидаги Самарқанд хотин-қизлар педагогика билим юртини аъло баҳолар билан тамомлади. Ўқишида ва жамоат ишларида актив фаолият кўрсатиб, коллективнинг зўр ҳурматини қозонди. Билим юрти комсомоллари Сулувга катта ишонч билдирилар; уни ўз бошланғич ташкилотларининг секретари қилиб сайладилар. Жамоатчи қиз Самарқанд шаҳар комсомол комитетининг бюро аъзоси ҳамдир.

Ўқиши йиллари у Нина Михайловнани — севимли ва меҳрибон устозини бир зум ҳам ёдидан чиқаргани йўқ. Нина Михайловна Сулувни

маънавий ҳимоя қилдигина эмас, балки ўз ўқувчисига моддий ёрдам ҳам бериб турди.

... Ота-она ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарган эдилар.

— Йўлдошнинг оиласида ҳар куни жанжал,— кўз ёши қилиб, бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қиласиди она,— ҳар куни хотинини хўрлайди.

— Қайси Йўлдошни айтяпсиз, ойи?

Она индамай йиғларди. «Ҳа, Сулув эслади, мана шу Йўлдош деганига ойим ва дадам мени узатишмоқчи эдилар. Хайрият...» қизнинг лаби пичирлади.

Қайси ота-она ўз фарзандига бахт тила-майди дейсиз! Балки Сулувнинг ҳам дадаси ва ойиси ўз қизимизни бахтли қиласиз деб, уни энг олижаноб бахтидан маҳрум қилиб қўйишиларига сал қолганини энди тушунишгандир!

— Энди қолгин, қизим! Жоним...

Она! Ундан ҳам меҳрибон киши бўларми-кан оламда! Сулув ойисини шундай қаттиқ қучдикни!..

— Хайр, ойижон,— деди у сўнгра кўз ёшларини сездирмасликка ҳаракат қилиб.

— Яна ўқимоқчимисан?— сўради она ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, ойижон,— деди Сулув,— бу йил Самарқанд Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кундузлари эса ишлайман. Яна келаман, албатта келаман, ойижон! Энди тез-тез кўришиб турамиз. Укаларим ҳам азамат йигитлар бўлиб қолибди...

Табиат одатдагидек латофатли эди. Ша-  
ҳарга йўл олаётган етук қизини таниш ман-  
зара — қор дўппили чўққилар, ўйноқи шало-  
лалар, дилга ҳузур бағишлиайдиган шўх еллар  
кузатиб қўймоқда эди

WWW.NATLIB.UZ

## РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Тсс-с...

Қызлар даврасида қолган райком секретари узун бармоини лабига тутганича қотиб қолди. «Жинни бўлдиларингми дейман? Ўзларингни тутиб олсаларинг-чи, бирпас», — хижолатомуз шивирлади секин у ва лабини тишлаб ёнида турган меҳмонларни сирли ишора билан кўрсатиб қўйди. Бироқ хандон отишаётган шўх қызларни бунақангি огоҳлантиришлар билан тинчтиб бўпсиз. Қызларнинг шаддоди Марипа Иззатхонни қаттиқ қучиб ўпиб олди-ю.

— Мана бу,— деди сўнгра чиройли табасум қилиб,— биздан сенга...

— Ба-ра-ка! — бараварига қичқириб юбориши қызлар.

Бир ҳовуч момиқ пахтани қучоғида кўрган Иззат ўртоқларига шерик бўлиб кулди. Ҳа, бугун қувонмаслик сира мумкин эмасди. Теримнинг биринчи кунидаги илк ҳосил баракасини қизлар ўз секретарларига узатишганди.

— Сергей Павлович...

Иззат гуноҳкордек бошини қўйи эгди. Қызлар билан бўлган ҳозирги ҳолатни у негадир «одобдан эмас» деб ўйларди ва ўзини қаерга

қўёшишини ҳам билмай, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари олдида юзларининг чўғ бўлиб ловуллаётганлигини аниқ ҳис этиб турарди.

— Дарров билиниб қолди,— мулойим жилмайди ўртоқ Павлов ва ёнида турган обком секретарига маънодор қараб қўйди,— комсомолларинг сени қаттиқ севишаркан, Иззат. Яхши нарса бу. Балли!

\* \* \*

...Инсон умри хилма-хил воқеаларга бой бўлади. Ҳаётингда бир хил дамлар бўладики, ўша заҳотиёқ унутиб юборасан ва қайтиб эсга олмайсан, киши. Бироқ, шундай дақиқалар ҳам бўладики, улар ўз мазмуни ва таъсир кучи билан ойлар ва йилларга баравар бўлади. Иззат билан ҳам худди шундай бўлди: ўтган йилнинг илк кузидаги ўша кичик воқеа, ўша ҳаяжонли дақиқалар қиз қалбida маҳкам ўрнашиб олди, унинг ширин-ширин ўйлари ичida энг муносиби бўлиб қолди. «Комсомолларинг сени қаттиқ севишаркан», деган сўзлар Иззатнинг қулоғи остида худди ҳозиргина айтилгандек жаранглар, қизнинг қалбини ёруғ ва нурли ҳислар гирдобига фарқ қилиб, сира уйқу бермасди.

— Иззат... Ҳалиям ётганинг йўқми?

Үй шифтидаги бир нуқтани нишонга олиб тикилаётган Иззат аста кўзини юмди. Кекса ойисининг сўзларини эшишмагандек бўлиб «уйкуга чўмди». «Она! Ўзи ухламайди-ю, фарзандининг ором олишини истайди», кўнглидан ўтказди қиз ва узилиб қолган ширин хаёли-

нинг учини қайтадаң қидира бошлади: «Чинданам комсомолларим мени севишармикан, ёки....»

Тұғрисини айтганда, коллективга муносиб ва ёшлар ҳурматини қозонадиган бирор дұрустроқ иш қылганини Иззат яхши эслай олмайди. Кечаги кунидан күра у әртасига зүр умид билан қарайди. Олдіда турған тоғ-тоғ вазифаларни аниқ ва равшан күради. Мана шу вазифаларни бажарибина, әлда ҳурмат қозонишни орзу қиласы. Орзуларининг рүёбі га чиқишида ўзи салмоқли улуш құшаётгандылығы, бу нарса коллективға жуда манзур бўлаётгандыгини эса негадир тан олгиси келмайди.

Балки булар ҳаммаси камтарликдандир? Лекин шундай бўлса ҳам, Иззат етакчилик қилаётганды жанговар ташкилотнинг ишларига бир назар ташлайлик. Юқоричиричиқликлар бу ўт юрак қизни кўпдан бери билишади. Актив жамоатчи ва жонкуяр қиз тезда район ёшларининг фахри бўлди. Иззат Султонова якдиллик билан район комсомол комитетининг секретарлигига сайланди. Мана тўрт йил бўлибди-ки, у коллектив ишончини оқлаб келяпти.

Ҳеч ким раёном секретари бўлиб туғилган эмас, албатта. Ёш қизга ишониб топширилган бу масъулиятли ишнинг ҳам катта қийинчиликлар туғдириши табиий эди. Шундай бўлди ҳам... комсомол ишининг елиб-юргутирадиган, тиниб-тинчитмайдиган ҳамда вақт билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган мураккаб ва фахрли иш эканлигини Иззат дастлабки кунлардаёқ сезиб қолди. Бироқ қийинчиликлар олдида

довдираб қолиш — ёшлар учун ёт. Иззат комсомол активлариға таяниб иш тутди. Бюро ва пленум аъзолариға, жамоатчи инструкторларнинг барисига конкрет иш участкаси топшириб қўйилди. Топшириқларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди. Район хўжалигидаги барча мураккаб тармоқлар комсомол оталиғига олинди. Чунончи, «дала маликаси» туб маъноси билан комсомол экинига айлантирилди: комсомол ташкилоти райондаги ҳамма маккажўхори экиладиган майдонларни ўз оталиғига олди. Районда 18 та зарбдор маккажўхорикор бригада ва звено-лар тузилди. Ёшлар кучи билан 2000 гектар майдонга маккажўхори экилди.

— Пахтакор республикаларнинг Тошкентда бўлиб ўтган зона кенгашидан сўнг,— дейди Иззат,— биз комсомол-ёшлар пахтачилик бригадалари ишини қайта кўриб чиқдик. Никита Сергеевич гектаридан 25 центнердан кам ҳосил оладиган битта ҳам хўжалик қолмаслигини вазифа қилиб қўйган эдилар. Бироқ, районимиздаги 12 та бригада ўтган йили гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил олди. Биз мана шу қолоқ бригадаларни ҳам комсомол оталиғига олдик.

Дарҳақиқат, меҳнат фронтининг қайси бир участкасига кўз ташламанг, комсомол-ёшларнинг конкрет ишини кўриб хурсанд бўласиз.

Район комсомол комитети уч йиллик маданий юришнинг ташаббускори ҳам бўлди. Ёш авлодга коммунистик жамият кишиисига хос фазилатларни сингдира бориш, уларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидаги прин-

Цип ва нормалар эгаси қилиб тарбиялашда ҳанча ибратли ишлар қилинди.

Район комсомол комитети ВЛКСМ сафларининг ўсишига, комсомол ёшига етиб қолған йигит ва қизларни союзга актив жалб қилиш ишларига жиддий эътибор бермоқда. Комсомолга қабул қилинган ёшларга ВЛКСМ билетларини тантанали суратда топшириш формаси кенг қўлланилмоқда.

Район комсомолининг ибратли ишлари ҳақида ҳар қанча гапирса ҳам оз. Яххиси, бу тўғрида юқоричирчиқликларнинг ўзларидан эшита қолайлик. Район комсомол комитети ўзининг энг яхши ўғил ва қизларини бугун область комсомол конференциясиға делегат қилиб юборган. Уларнинг орасидан шу жанговар ташкилотнинг жонқуяр етакчиси Иззат Султоновани ҳам изларсиз ва балки тополмай ҳайроғ қоларсиз.

Ҳурматли делегатлар, сиздан яшириб турмайман, Иззатхон ҳозир Ҳиндистонда. Ҳа, Ҳиндистонда. У Совет ёшлари туристик группасининг аъзоси сифатида қўёшли ва дўст мамлакат ҳаёти билан танишмоқда.

Бутун хаёли, вужуди ва қалби билан ўзини мана шу жойда — ёш ленинчиларнинг тантанали суратда ўтаётган конференцияси залида ҳис этаётган озод Шарқнинг бахтиёр қизи мана шу дақиқаларда балки Дехлидадир? Балки Бомбай ёки Мадорасдадир?..

\* \* \*

Утган кўклам ёзган бу лавҳамни шундайлигича тамомлашм ҳам мумкин эди. Аммо

бир нарсаны ўқувчига айтолмай туролмайман:  
Иzzатхон бугунги кунда Юқори Чирчиқ ишлаб  
чиқариш бошқармаси комсомол комитетининг  
секретариридир. Юксак ишонч унга юксак пар-  
воз учун қанот бермоқда.

www.NATLIB.UZ

## ВАХШ ҚАЛДИРГОЧИ

**Норак...**

Бир оғиз сўз бу. Бир оғиз сўз-у, бироқ унинг гўзаллиги тасвирини минг сўзда ҳам бериш муаммо бўлган сўз. Тоғлар оғушида қолган бу диёрга табиат ажиб чирой баҳш этган. Чўққиларга кифтини қўйган сайёҳ бу лутлар ҳам, қуёшнинг марварид табассуми ҳам бу ерда латофатлидир.

Айниқса, Вахшни айтмайсизми? У азамат қоялар бағридан йўл топиб, ҳамиша олға интилади. Неча-неча асрлар ўтибдики, ундаги хусусият ана шундай. Вахш негадир ўз орқасига қайрилишни билмайди. Унинг фақат олдинга интилиши балки яхши хусусият ҳамдир? Аммо, инсон амрига бўйсунмайдиган куч оламда бормикин?..

Ҳа, гранит тошлар ҳам эплай олмаган ишни инсон эплайди. Юз йилларча ўз кетига қайрилиб боқмаган Вахш ниҳоят ана шундай қилишга мажбур бўлади. Икки улкан чўққи... Неча-неча асрлар бир-бирига рўпара турган икки азамат, тенгдош, эгизак чўққи. Уларнинг бир-бирига интизор тикилиши, қовушолмай ҳижрон чекаётган ошиқ-маъшуқларни эслата-

ди. Икки чўққи бир-бирига қўл беришга, бир-бирини қучиб олишга гўё тайёр-у, аммо қандайдир куч, қандайдир қонун бу хоҳишга ғов бўлиб тушади. Табиат ҳукми бу. Табиат ана шу юксак икки чўққини бир-биридан жудо қилиб қўйган. Уларнинг орасидан сершовқин дарё шовуллаб оқади. Бироқ инсон табиатнинг бундай «адолатсизлиги»га чидаб туролмайди. У айтганини қилади ва ҳеч қандай куч мақсад йўлидан қайтара олмайди. Икки қўшалоқ қоя орасида тўпланадиган Вахш сувлари булатларгача етай дейди. 300 метр! Ҳазил гап эмас. Ана шундай юксакликка қўтарилган дарё жозибали кўриниш бериб яна пастга тушади. Улкан куч! Бебаҳо қудрат! Ана шу қудрат эса ўлкамизни нурга ўрайди, чиройига чирой қўшади, ёшартиради.

Норакнинг кечаги кунини эслаш бирмунча оғирроқ бўлса-да, ўтмишига бир назар ташлайлик. Шундай латофатли ўлка гўё қафас ичидагунинг талпинганини эшитган киши, бугунги кунда бундай таъбирга сира ишонгиси келмайди. Чунки, Вахш диёрининг табиати «қафас» деган сўзни бутунлай инкор этади. Бу сўз унга ёт. Бунда баланд чўққиларга чиқиб, чуқур ва эркин нафас оласан, киши. Қанот ҳосил қилиб, бутун водийни бир қучишда ўз оғушингга оласан, киши.

Аммо, тарих — бу тарих. Унинг ҳукми, қонуни ва сабоқлари билан ҳисоблашмай бўлмайди. Ахир, ўтмиш замонда зор-зор йиғлаб ўтгани ҳақида Вахшнинг ўзи ҳам майин товуш чиқариб сўйлайди-ку?! Бу ҳақда бургутсимон чўққилар ҳам ҳикоя қилади-ку?! Бугун эса ҳар қадамда чеҳраси хандон кишиларни

кўрасиз. Уларнинг маъно тўла кўзлари олам-олам баҳтиёрик ҳақида мамнунлик билан ҳикоя қиласди.

Ҳар қандай шаҳар аввало туарар-жой бинолари қуришдан бошланади. Норак ҳам ана шундай. Палаткалар ҳамда вагонеткалар ўрнида социалистик шаҳарча бўй чўзмоқда. Қай томонга боқманг, кўтаргич кранларни, полвон бульдозерларни, баҳодир скрепер ва самосвалларни кўрасиз. Меҳнат деб аталувчи улуғвор симфония рус ва ўзбекнинг, украин ва тоҷикнинг, туркман ва қирғизнинг, грузин ва қозоқнинг қалбига бирдай ўрнашиб олган, дилларни бир-бирига мустаҳкам пайванд қилган. Ўрта Осиёни нурга кўмиб ташлайдиган маёқ ана шу ерда вужудга келмоқда. Энди ана шу маёқнинг ижодкорлари ҳақида ҳикоя қиласайлик.

Дурустроқ қараганда, Норак шаклан юракка ўхшайди. Табиат бу кичик воҳага шунаقا ажиб бир кўриниш берибди. Аммо улкан иншоот ишга тушгач, у мазмунан ҳам туб маънодаги юрак бўлади. Бу юракнинг тепишини тоҷик ва ўзбеклар диёри, туркман ва қирғизлар элати, қозоқ ва қорақалпоқлар ўлкаси аниқ ҳис этади, аниқ эшигади. Унинг ҳароратли қон томирлари бутун қуёшли қардош республикаларни қамраб олади.

Қайсар қоялар бағрини тилиб, туннель қураётганларини кўрганингда, беихтиёр афсонавий халқ қаҳрамони Фарҳодни эслайсан, киши. Ҳа, улар достонларда куйланиб келинган азamat фарҳодлардан сира кам эмас. Замон фарҳодлари деб ана шуларни айтадилар. Йўқ, ўз Шириналарига бўлган муҳаббатгина уларни

бу ерга олиб келган десак янглишган бўламиз. Харсанглар қўйнига уларни янада каттароқ, янада олижаноброқ муҳаббат етаклаган. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтираётган ва келажакнинг ажойиб баҳтли ўйлари билан яшаётган бу фарҳодларнинг афсонавий Фарҳоддан фарқлари ҳам ана шунда.

Мана, меҳнатда тобланган мускуллари бўртиб турган, тер томчилари юзини шалоббо ювган йигит қаршимизда.

— Мўминжон Ўринов,— деди у ўзини танишикаркан,— андижонликман. Норак ГЭСи қурилиши бошланган кунларданоқ келганман. «Қалдирғоч»лардан бири, ўтказдик кўнгли-миздан. Мўминжон ўз «Ширин»и — рафиқаси билан бу ерга келган. Баҳтиёр, хавас қилса арзигудек яшашмоқда.

Мўминжон билан ёнма-ён ишлаётган груzin йигити билан ҳам танишдик: Мамия Тугуши экан. У бу азаматлар бригадасига бошчилик қиларкан. Тоғ бағрини тилишдек оғир меҳнат бўлмаса керак. Бу нина билан қудуқ қазишдан ҳам машаққатлироқ. Бироқ, илғор фанимиз инсон қўлига ажойиб техникани тутқазиб қўйган. У қоялар бағрини сариёфек кесиш қобилиятига эга. Мана, шундай процессларнинг биридамиз. Портлатувчи Рас-тес Демиденко пармалаб тешилган жойга динамитни қўйиб, хавфли зонани тарк этиши биланоқ кучли портлаш атрофни ларзага келтирди. Бир-бирига ихтиёrsиз урилиб, чапак чалаётган азамат қоялар товуши кучли момоқалдироқни эслатарди.

Қурилишнинг иккинчи ёнбошида осойишта-

роқ ҳаёт ҳукм сурарди. Бунда шаҳарнинг тўн-ғич кварталлари бунёд бўлмоқда. Қурувчилар бригадаларида социалистик мусобақа авжиди. Бинолар қоматининг ўсиши соат сайин сезилиб турибди. Кечагина бўй-бўш ётган жойда бугун биринчи қаватнинг ойналарига ромлар қўйилмоқда. Бунда ҳам қувноқ ва забардаст йигит-қизлар ишлашади.

Норак гидроэлектростанциясининг ишга тушиши натижасида Ўзбекистон ва Тожикистан Мирзачўли, Қарши ва Данфара даштлари, юз минглаб бўз ерлар сувдан баҳраманд бўлади.

Комсомол зарбдор қурилишининг эртаси порлоқ. Норак ГЭСидан ўлка бўйлаб нур тараладиган кунлар узоқ эмас. Бу ГЭС икки қардош халқни — икки дўст ва оға-ини халқни — ўзбек ва тожикни бир-бирига янада мустаҳкамроқ боғлайди. Бир чашмадан сув ичиб, бир қуёшдан баҳра олиш қандай яхши! Чинакам дўстлик деб, қон-қардошлик деб худди ана шуни айтадилар!

## МУНДАРИЖА

|                            |    |
|----------------------------|----|
| Сеникиман, жоним . . . . . | 3  |
| Сулув . . . . .            | 13 |
| Райком секретари . . . . . | 20 |
| Вахш қалдирғони . . . . .  | 26 |

На узбекском языке

Максим Карим

ЛАСТОЧКА ВАХША

*Очерки*

ГОСЛИТИЗДАТ УзССР — ТАШКЕНТ — 1963

Редактор *Т. И момхўжаев*

Рассом *М. Баракшиев*

Расмлар редактори *И. Нирков*

Техн. редактор *Л. Парнихўжаев*

Корректор *М. Юсупова*

\* \*

\*

Босмахонага берилди 6VIII-1963. Босишга рухсат этилди 28 III-1963  
Формати  $70 \times 90\frac{1}{32}$ . Босма листи 1,0 Шартли босма листи 1,17

Нашриёт листи 1,16. Тиражи 15000 Р02531. Индекс б/а

УзССР Давлат бадний адабиёт нашриётни. Тошкент.

Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 231—62.

\* \*

\*

УзССР Маданият министрилиги Ўзглавиздатининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида тайёрланган матрицадан, 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза, к. 21. Заказ 829. Баҳоси 4 т.

www.NATLIB.UZ

4 т.

ЎЗАДАБИЙНАШР